“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг
йиллик умумий йиғилиши
БАЁНИ

2021 йил 10 июн **№ 02/2021** **Тошкент шаҳри**

Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 10 июн 2021 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди: Ж.Шахобиддинов – Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили.

“O’zagrolizing” акциядорлик жамиятининг асосий фаолияти республика қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизматларини кўрсатишдан иборат бўлиб, мазкур жамият Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 486-сон қарори асосида ташкил этилган, Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарорига мувофиқ эса унинг вазифалари кенгайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929-сонли қарорига биноан “Ўзагролизинг” АЖ “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ташкилий тузилмасидан чиқарилди.

Жамиятнинг молиявий йил якунланиши муносабати билан акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 17 майдаги 280-сонли қарори акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси У.Ф. Атамухамедова сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг раёсати ва котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан Ж.Шахобиддинов - умумий йиғилиш раиси, Б.Каримов ва У.Атамухамедова умумий йиғилиш раёсати аъзолари, Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.
9. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

11. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

12. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

13. Жамият ижроия аппарати тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг "2021-2025 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини" тасдиқлаш.

15. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини текшириш учун ташқи аудитор ташкилотини ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

16. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

17. "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг "Ҳомийлик (ҳайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш Тартиби"ни тасдиқлаш.

18. "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг "Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби"ни тасдиқлаш.

19. "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг "Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом"ни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш

1. Умумий йигилиш раиси Ж.Шахобиддинов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2021 йил 17 майдаги 280-сонли қарорига асосан Саноқ комиссияси 3 кишидан, яъни Эшонқулов Талъат Норқулович, Узаков Хасан Тиркашович ва Қурбонбоев Дилшод Мақсудбековичдан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йигилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йигилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур комиссиянинг Саноқ комиссияси раиси этиб Т.Эшонқулов сайланганлиги тўғрисидаги 2021 йил 10 июндаги 1-сонли баённомаси Умумий йигилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Саноқ комиссияси томонидан Умумий йиғилишда жамиятнинг 38 280 128 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 4 та акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (41 669 087 дона)нинг 91,87 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Саноқ комиссиясининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, Умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисидаги 2021 йил 10 июндаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши очиқ деб эълон қилинди.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш

Умумий йиғилиш раиси Ж.Шахобиддинов кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

Кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 5 дақиқа;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

3. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш

Мазкур масалада "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти Бошқарув аъзоси Э.Қурбонов маъруза қилди ва қуйидагиларни айтиб ўтди.

"O'zagrolizing" акциядорлик жамияти томонидан 2020 йилда республика қишлоқ хўжалигига умумий қиймати 723,2 млрд. сўм бўлган 3 820 дона қишлоқ хўжалик техникалари лизингга етказиб берилди.

Ҳисобот йилида 24 дона "Arion-630c", 25 дона "John Deere 6155M", 22 дона "T - 7060", 56 дона "T-6070", 183 дона "ТД5.110", 39 дона "NURAFSHON" русумли чопиқ ва транспорт тракторлари, 221 дона "TTZ-811", 66 дона "TTZ-100HC", 44 дона "Белорус" русумли чопиқ ва транспорт тракторлари, 45 дона "TT-40", "I38", "U62", "JINMA" русумли боғдорчилик тракторлари, 1 дона "TZST CE-200" русумли ва 2 дона "MX-1,8" русумли пахта териш машиналари, "CASE", "Доминатор-130", "Вектор-410" ва "Sampo Krantas C8" русумли жами 229 дона ғалла ўриш комбайнлари, 785 дона пуркагичлар ва 2078 дона бошқа турдаги (чигит экиш сеялкаси, култиваторлар, ўт ўриш-майдалаш агрегатлари, омочлар) техникалар лизингга етказиб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида қишлоқ хўжалиги корхоналарига янги турдаги "Sampo Krantas C8" русумли ғалла ўриш комбайнлари, "NURAFSHON" русумли чопиқ ва транспорт тракторлари, "GS-600" русумли минерал ўғит сепиш агрегатлари, "AGM-HM-24" русумли дон экиш сеялкаси ҳамда "ALFA-600", русумли пуркагичлар лизингга етказиб берилиб, лизинг асосида етказиб бериладиган техникаларнинг жами тури 90 тага етказилди.

"O'zagrolizing" акциядорлик жамияти томонидан Республика қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарига қишлоқ хўжалиги техникалари учун 2020 йилда жами 599,2 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар молиялаштириб берилди.

Шундан:

"Тошкент қишлоқ хўжалик техникаси заводи"га – 210,0 млрд. сўм;

"ЎзКЛААСагро" қўшма корхонасига – 159,3 млрд. сўм;

АЖ "Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" – 28,4 млрд.сўм;

"ЎзКейсмаш" ҚКга – 98,5 млрд. сўм;

"Krantas Group" МЧЖга – 20,3 млрд. сўм;

АЖ "Агрегат заводи" – 17,4 млрд. сўм;

"Agromash Elit" МЧЖга – 15,9 млрд. сўм;

"Norin Moto Bike" МЧЖга – 9,4 млрд. сўм;

"LEMKEN Chirchiq" МЧЖга – 6,4 млрд. сўм;

"Ургенчкорммаш" МЧЖга – 5,9 млрд. сўм;

Бошқа ишлаб чиқарувчиларга –27,7 млрд. сўм молиялаштириб берилди.

2020 йилда 7,5 млрд. сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 15,3 млрд. сўмни ёки "Бизнес-режа"га нисбатан 2,04 баробарни ташкил қилди.

2020 йилда лизинг лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклардан

222,7 млрд. сўм миқдоридаги кредит маблағлари жалб қилинди ва 125,0 млрд. сўм миқдорида Молия вазирлиги ҳузуридаги "Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси" маблағлари ўзлаштирилди.

Шунингдек, 2020 йилда 578,0 млрд. сўмлик лизинг тўловлари келиб тушди, келиб тушган маблағлар жамият олдидаги жорий мажбурият тўловларини амалга оширишга ҳамда лизинг лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди.

2021 йил 1 январь ҳолатига дебиторлик қарздорлик 235,4 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 96,0 млрд. сўмга ошган.

Дебитор қарздорликни ундириш мақсадида 2020 йил давомида иқтисодий судларга жами 167,0 млрд. сўмлик даъво аризалари киритилган. Шундан, 2021 йил 1 январь ҳолатига 86,9 млрд. сўм қарздорликни ундириш бўйича Жамият фойдасига ҳал қилув қарорлари чиқарилишига эришилган. Шунингдек, 19,8 млрд. сўм миқдоридаги қарздорлик суд қарори қабул қилингунга қадар ундирилган.

Жорий йилда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига умумий қиймати 531,5 млрд. сўм бўлган 3455 дона қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб бериш.

Ҳукумат томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, 2021 йилда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб олинди:

- Лизингга етказиб бериладиган техникалар ҳажмини бизнес-режада белгиланган параметрлар доирасида таъминлаш;

- барча манбалар ҳисобидан дебитор қарздорликни ўтган йилга нисбатан кескин камайтириш, бу борада амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш;

Мажлис раиси Ж.Шахобиддинов сўзга чиқиб, бугунги кунда Бошқарув томонидан "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини камайтириш, молиявий ҳолатини яхшилаш учун чораларини кўриш лозимлигини билдирди.

Шунингдек, Умумий йигилиш Раиси томонидан жамиятнинг молиявий ҳолати муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, дебиторлик қарздорликни ундириш ва камайтириш бўйича аниқ чора-тадбир ишлаб чиқиш ҳамда шу билан бирга лизинг операцияларини мустақил ўз маблағларидан молиялаштириш масаласини ҳал қилиш кераклиги билдириб ўтилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш

"O'zagrolizing" акциядорлик жамияти Ҳукуматимиз томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг асосида юқори унумли ва замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатларини етказиб берди.

Мамлакатимиз Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан акциядорлик жамиятларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга имконият беради.

Бунда кўзланган асосий мақсад, акциядорлик жамияти шаклидаги корхоналарда

сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, уларни экспорт қилишнинг асосий мезони бўлган замонавий бошқарувни йўлга қўйиш, бу жараёнда салоҳиятли хорижий менежерларнинг илғор тажрибасидан фойдаланишга қаратилди.

Ҳисобот даврида Корпоратив бошқарув талабларидан келиб чиқиб, Кузатув кенгаши Жамият ижроия органи билан ҳамкорликда белгиланган йўналишлар бўйича ишлар олиб борди.

2020 йил мобайнида бир марта навбатдаги ва бир марта навбатдан ташқари Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилди.

Кузатув кенгашининг тегишлича 17 та қарори қабул қилинди.

Кузатув кенгаши мажлисларида Жамият Бошқарув раиси ва ички аудит хизматининг жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг чорак ва йил якунлари бўйича ҳисоботлари мунтазам эшитилиб, муҳокама натижасига кўра, Кузатув кенгашининг тегишлича тавсия ва кўрсатмалари бериб борилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

5. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш

Тафтиш комиссиясининг хулосаси жамият акциядорларига ва йигилиш қатнашчиларига тарқатилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Умумий йигилиш Раиси Ж.Шахобиддинов сўзга чиқиб, жамият Бошқаруви томонидан 2020 йил бизнес-режасида белгиланган фойда кўрсаткичи 2,04 баробарга бажарилгани, келгусида ишлар янада самарали ташкил этиш ва жамиятнинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаб бориш учун тафтиш комиссиясининг таклифларини ўрганиб чиқиб, амалда тадбиқ этиш чораларини кўриш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, жамият бошқарувига узоқ муддатли активлар бўйича ишлаш ва жамиятни жозибадорлигини ошириш лозимлиги юзасидан тавсиялар бериб ўтди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

6. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш

Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича "GLOBAL-AUDIT" МЧЖ томонидан 2021 йил 12 апрелда берилган ижобий аудиторлик хулосаси Г.Гайнулина томонидан ўқиб эшиттирилди (аудитор хулосаси илова қилинмоқда). Жамият акциядорлари томонидан ташқи аудиторга жамиятни тақсимланмаган фойдаси бўйича саволлар берилди ва муҳокама қилинди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

7. Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш

Жамият Бош бухгалтери в.б. Ш.Қодирова сўзга чиқди ва "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 102-моддасига асосан, жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамиятнинг кузатув кенгашининг 2021 йил 17 майдаги мажлиси томонидан дастлабки тарзда тасдиқланганлигини маълум қилди.

Жамият бош бухгалтери в.б. Ш.Қодирова жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказди (жамиятнинг 2020 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи илова қилинмоқда).

Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили Ж.Шахобиддинов, 2020 йилда ўтган 2019 йилга нисбатан дебитор ва кредиторлик қарздорликларни ўсишига нима сабаб бўлгани билан қизиқди ва унинг саволига жавоб берилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришни сўралди.

8. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш

Жамият бошқарув аъзоси, Молиявий-иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи Э. Қурбонов томонидан кузатув кенгашининг 2021 йил 17 майдаги 280-сонли баённома қарорига мувофиқ, жамият бўйича 2020 йил фаолият якунига кўра олинган **15 291 245 000,00** сўмлик соф фойданинг қуйидагича тақсимлаш юзасидан тавсия берилганини таъкидлади:

1. Захира фондига – 764 562 250,0 сўм;
2. Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 11 460 978 200,0 сўм;
3. Имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм;
4. Ўз вазифасини бажарган давр учун Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ тўлашга – 10 796 400,0 сўм;
5. Активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира шакллантиришга – 3 042 233 150,0 сўм.

Умумий йиғилиш раиси Кузатув кенгашининг юқоридаги тавсиясидан келиб чиқиб дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш ва нақд пулда тўлаш йўли билан амалга оширилишини таклиф этди.

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича (ҳар бир донаси учун 275,05 сўмдан, номинал қийматнинг 10,85%).

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича (ҳар бир донаси учун 633,75 сўмдан, номинал қийматнинг 25%) дивиденд тўлови амалга ошириш таклиф қилинди.

Шунингдек, дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланишини айтиб ўтди.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2021 йилнинг 12 июлдан ва тугаш санаси 2021 йилнинг 10 августи қилиб белгиланди.

Кузатув кенгаши маъсул бўлган **жамият корпоратив бошқарувини баҳолаш**нинг натижаси 129 балл ёки **11 фоизни** ташкил этиб, "қониқарли" баҳоланган. **Бошқарув**нинг 2020 йил якуни бўйича **самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи 61,8 фоизни** ташкил этиб, **"етарли даражада эмас" баҳоланган**. Шунга кўра, 2020 йил якуни бўйича жамият кузатув кенгаши ва бошқарув аъзоларига мукофот ажратмаслик таклиф этилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришни сўралди.

9. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш

Жамиятнинг бош бухгалтери в.б. Ш.Қодирова Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 51-моддасида эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиш қарорига кўра, жамият ихтиёрида қолдирилиши мумкинлигини маълум қилди.

"O'zagrolizing" АЖнинг 2017 йил якунлари бўйича эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендлар миқдори **41 362 732 сўм 84** тийинни ташкил қилган.

2017 йил якунлари бўйича **317** та акциядор томонидан **41 362 732 сўм 84** тийин миқдоридаги дивидендлар талаб қилиб олинмаган (акциядорлар руйхати илова қилинади).

Юқоридагиларни инобатга олиб, бош ҳисобчи жамиятнинг 2017 йил якунлари бўйича эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан икки йил ичида **317** та акциядорлар томонидан талаб қилиб олинмаган **41 362 732 сўм 84** тийин миқдоридаги дивидендларни жамият ихтиёрида қолдиришни таклиф қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш

Умумий йигилиш Раиси Ж.Шахобиддинов сўзга чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасига кўра, ҳаммаси бўлиб камида бир фоиз акцияга эга бўлган акциядорлар томонидан Кузатув кенгашига номзодлар кўрсатишга ҳақли экани тўғрисида маълумот берди бирок, бугунги кунга қадар давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан номзодлар кўрсатмаганлиги сабабли кун тартибидаги **мазкур масалани акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қадар қолдириш таклиф этилди.**

Юқоридаги қонунга асосан "SILK CAPITAL" МЧЖ ва "Туронбанк" АТБ, кузатув кенгашига номзодлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

"SILK CAPITAL" МЧЖдан номзод:

1. Хасанов Мухаммад Карим Муратович - "SILK CAPITAL" МЧЖ раҳбари

"Туронбанк" АТБдан номзод:

1. Ахмедов Тохиржон Хасанжон ўғли – Ғазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти директори.

11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш

Умумий йигилиш Раиси Ж.Шахобиддинов сўзга чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 63-моддасига кўра, ҳаммаси бўлиб камида бир фоиз акцияга эга бўлган акциядорлар томонидан Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатишга ҳақли экани тўғрисида маълумот берди бирок, тафтиш комиссиясига ҳам давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан номзодлар кўрсатилмаганлиги ва бу эса лозим даражада тафтиш комиссиясига номзодлар етарли эмаслиги сабабли кун тартибидаги **мазкур масалани акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қадар қолдириш таклиф этилди.**

Юқоридаги қонунга асосан “Туронбанк” АТБ томонидан жамият Тафтиш комиссиясига номзодлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинди.

“Туронбанк” АТБдан номзод:

1. **Атамухамедова Умида Файзуллаевна** – Қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи.

12. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш

Жамиятнинг Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси Б.Валиев ушбу масала бўйича сўзга чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди.

Жамият акциядорларнинг 2016 йил 28 майда ўтказилган йиллик умумий йиғилиши баёни қарори асосида жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

“Корпоратив бошқарув кодекси”нинг 33-модасида, жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни йилига камида бир марта ўтказилиши белгиланган.

Мазкур Кодекс талаби асосида жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни амалга ошириш бўйича саволнома асосида” “INVESTMENT MANAGEMENT GROUP” МЧЖ томонидан ўтказилган ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, “O’zagrolizing” АЖ фаолият самарадорлиги 129 баллга эга бўлиб, ушбу кўрсаткич “қониқарли” деб эътироф этилган.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

13. Жамият ижроия аппарати тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш

Жамият юридик бўлим бошлиғи в.в.б. Ш.Махмудов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Давлат активларини бошқариш агентлиги 2021 йил 9 апрелдаги 01/07-1-18-5427-сонли хат билан ижро органи раҳбарининг камида бир нафар ўринбосари лавозимини (агар мавжуд бўлса) қисқартириш ва бошқарув ходимлари сонини 10 фоиз миқдорида мақбуллаштириш масаласини бошқарув органлари (кузатув кенгаши, акциядорлар/иштирокчилар умумий йиғилиши, муассис муҳокамасига киритилиши) ҳамда йиғилишларда корхона раҳбарининг камида бир нафар ўринбосарини қисқартириш ва бошқарув ходимлари сонини 10 фоиз миқдорида мақбуллаштириш ташаббуси билан чиқишни сўраганлигини маълум қилди.

Ушбу топшириқ ижроси юзасидан жамият кузатув кенгаши 2021 йил 17 майда 280-сонли йиғилиш қарори билан ижроия аппарати тузилмасига ўзгартиришни дастлабки тарзда маъқуллаб, тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилган.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

14. Жамиятнинг “2021-2025 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини” тасдиқлаш

Жамият Молиявий-иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи Э.Қурбонов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 59-моддасига асосан жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколати доирасига киритилганилигини таъкидлади.

Жамиятнинг ривожлантириш стратегияси 2016-2020 йилларга мўлжалланган бўлиб, бугунги кунда унинг амал қилиш муддати эскиргани, шу муносабат билан ижро органи томонидан 2021-2025 йилларга мўлжаланган ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилгани, жамия кузатув кенгаши муҳокамасидан ўтгани ва кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаш учун йиллик умумий йиғилиш кун тартибига киритилганини таъкидлади.

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятининг ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси” кенг муҳомадан ўтказилди (***илова қилинади).***

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

15. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини текшириш учун ташқи аудитор ташкилотини ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш

Жамиятнинг бош бухгалтери в.б. Ш.Қодирова сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига биноан, мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколати доирасида эканлигини билдириб ўтди.

Шу муносабат билан жамиятда 2021 йил фаолияти учун аудит ташкилотини танлашни Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни талаблари асосида, ижроия органи томонидан танлов ўтказиш ва унинг шартлари тўғрисида ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, махсус ахборот портали (https://exarid.uzex.uz) ва “O`zagrolizing” АЖнинг (http://www.agroleasing.uz) расмий веб-сайтига эълонлар жойлаштирилди.

Танловда қуйидаги ташкилотлар ўз таклифлари билан қатнашган ***(харид комиссясининг баённомаси илова қилинади)***.

минг сўмда

№	Ташкилот номи	Хизмат нархи	Суғурта миқдори	Ташкил топган йили	Халқаро аудит стандартига мувофиқ аудит ўтказиш	Миллий аудит стандартига мувофиқ аудит ўтказиш	KPI ҳисоб-китоблар амалга оширилишини текшириш
1	“BALANS-INFORM-AUDIT”	51 000,0	2 000 000,0	2001 йил	✓	–	✓
2	“FINANCE AUDIT” MCHJ	100 000,0	50 000,0	2019 йил	✓	–	✓
3	“EXPERT-AUDIT”	59 900,0	500 000,0	2020 йил	✓	✓	✓
4	“PERFECT AUDIT”	100 000,0	1 500 000,0	2004 йил	✓	✓	✓

Юқоридаги аудит ташкилотлари танлов шартлари бўйича тўлиқ ҳужжат ва маълумот тақдим этган бўлиб, улар орасидан энг мақбули танлаш таклиф этилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

16. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларни тасдиқлаш

Мазкур масала бўйича жамиятнинг юридик бўлим бошлиғи в.в.б. Ш.Махмудов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маъруза қилди.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 85-моддаси 2-қисми 3, 4, 5 ва 6-бандларига кўра "Ўзагролизинг" акциядорлик жамиятига нисбатан аффилланган шахслар қуйидагилардир:

1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари;
2. Жамият Бошқарув аъзолари;
3. Жамиятнинг "Ўзмашлизинг" МЧЖ, "Лизинг ахборот технологиялари" МЧЖ, "Лизинг техника сервис" МЧЖ каби тобе хўжалик жамиятлари;
4. Давактив агентлиги;
5. Давактив агентлиги қайси юридик шахслар устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахслар (Давактив агентлиги маълумотга кўра 393 та хўжалик юритувчи субъект, рўйхат илова қилинади).

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ, ижроия органи ва ички аудит хизмати аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиб чиқиб ёзма равишда баённома тузиши ва Кузатув кенгашига тақдим этилиши белгиланган.

Ўз навбатида Кузатув кенгаши 15 кун муддатда ушбу битимларни ўрганиб, уни тузишга рухсат беради. Шу тариқа, аффилланган шахслар билан шартнома тузиш масаласини Кузатув кенгашидан ўтказишга камида 20-25 кун вақт сарф этилади.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида ўз мавсумида (чигит ёки дон экиш, ерни ҳайдаш, ғаллани ўриш, ғўзага ишлов бериш ва ҳоказо) ва қисқа муддатларда етказиб берилиши талаб этилади. Аффилланган шахслар билан тузиладиган битимни расмийлаштиришга 20-25 кун вақт сарф этилиши, мавсумни ўтиб кетишига ёки мавсумдан кечикиб техника етказиб берилишига олиб келади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 88-моддаси саккизинчи қисмида, ... *акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.*

Қонуннинг 83-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, Жамият соф активлари қийматининг 15 фоизи (19,65 млрд. сўм)дан юқори суммада тузиладиган битимлар йирик битимлар деб эътироф этилган.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан 2021 йил учун тасдиқланган "Бизнес режаси"га мувофиқ 2021 йилда 531,6 млрд. сўмлик қийматдаги техникаларни лизингга етказиб бериш ва бунинг учун 500,0 млрд. сўмлик қийматдаги кредит маблағлари жалб этилиши белгиланган. 2021 йил бошидан тижорат банклари томонидан 100,0 млрд. сўм ва 5,0 млн. АҚШ долл. Миқдоридаги кредитлар ажратилди. "Бизнес режа"га мувофиқ яна 350,0 млрд. сўм миқдорида кредитлар жалб қилиниши кутилмоқда. Шу муносабат билан:

- кредит жалб этиш эҳтимоли кутилаётган тижорат банклари (“Агробанк” АТБ, “Асака” банк, АТ “Халқ банк”, “Ипотекабанк” ва бошқа) билан бир неча босқичда ҳар бири 50,0 млрд. сўмдан 350,0 млрд. сўмгача ҳажмдаги бир неча кредит шартномаларини имзоланиши;

- жалб этилаётган кредитга таъминот сифатида “Ўзмашлизинг” МЧЖ (ёки бошқа аффилланган шахслар) билан кафиллик шартномаларини имзоланиши;

- республикамиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан лизингга етказиб бериладиган техникалар сотиб олиниши бўйича умумий қиймати жамият соф активлари қийматининг 15 фоизи (19,65 млрд. сўмдан)дан юқори бўлган бир ёки бир-бирига боғланган бир нечта битимни имзоланиши эҳтимоли кутилмоқда.

Юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, жамиятнинг 2021 йил учун тасдиқланган “Бизнес режаси” параметрларини ҳамда Ҳукумат томонидан берилган топшириқлар ижросини тезкор равишда таъминлаш ва лизинг лойиҳаларини ўз муддатида молиялаштириш орқали техникаларни лизинг олувчиларга ўз вақтида етказиб берилишини ташкил этиш мақсадида, жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари билан ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларни тасдиқлаш масаласида қарор қабул қилиш Акциядорлар умумий йиғилиши ваколати эканлигини билдирди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

17. “O’zagrolizing” акциядорлик жамиятининг “Ҳомийлик (ҳайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш Тартиби”ни тасдиқлаш

Маркетинг ва сотишни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Ш.Махмудов “Ozagrolizing” акциядорлик жамияти Уставининг 90-бандига кўра, акциядорлар умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларларида белгиланган доирада ҳомийлик (ҳайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартлари, бу борада қарор қабул қилиш тартибини белгилаш ҳамда бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни жамиятнинг веб-сайтида ошкор этиш тарзида бериш кузатув кенгашининг ваколатига киритилгани билдирди.

Бироқ, жамият томонидан ҳомийлик (ҳайрия) кўрсатиш тартибини белгилайдиган тартиб мавжуд эмаслиги, ушбу масала юзасидан жамият кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг “Ҳомийлик ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш Тартиби”ни ишлаб чиқиш вазифасини ижро органига юклагани, топшириқ ижроси бўйича ижро органи томонидан “Ҳомийлик (ҳайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш Тартиби” ишлаб чиқлиб дастлабки тарзда кузатув кенгаши томонидан маъқулланган ва тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилганини маълум қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

18. “O’zagrolizing” акциядорлик жамиятининг “Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби”ни тасдиқлаш

Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси Б.Валиев корпоратив кодекс тавсияларига мувофиқ, жамият ижро органи томонидан “Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби” ишлаб чиқилган бўлиб жамият кузатув кенгаши томони дандастлабки тарзда маъқулланиб, тасдиқлаш учун

жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилганини билдирди.

Ушбу тартиб ишлаб чиқилишидан мақсад жамият акциядорлари томонидан овоз бериш тартибини соддалаштириш ва бир хил кўринишда бажарилишига эришиш ҳисобланиши таъкидланди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

19. "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг "Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом"ни тасдиқлаш

Мазкур масала бўйича жамиятнинг юридик бўлим бошлиғи в.в.б. Ш.Махмудов сўзга чиқиб, қуйидагиларни жамиятнинг янги қабул қилинган ташкилий тузилмасига кўра миноритар акциядорлар қўмитаси ташкил этилиши кўзда тутилганлиги муносабати билан жамият ижро органи томонидан "Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом" ишлаб чиқилгани кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланган ва тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилганини таъкидлади.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

Умумий йиғилиш раиси Ж.Шахобиддинов Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни ва натижаларини сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси Т.Эшонкулов Умумий йиғилишга қўйидагиларни эълон қилди:

Саноқ комиссиясининг 2021 йил 10 июндаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 4 дона бюллетен тарқатилди ва 4 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қўйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

3. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

5. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

6. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

7. Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

8. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

9. Жамият акциядорлари томонидан белгиланган даъво муддатида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

10. Кун тартибидаги масала навбатдан ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун қолдирилди.

11. Кун тартибидаги масала навбатдан ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун қолдирилди.

12. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

13. Жамият ижроия аппарати тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

14. Жамиятнинг "2021-2025 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини" тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

15. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-ҳўжалик фаолиятининг якунларини текшириш учун ташқи аудитор ташкилотини ҳамда унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

Овоз бериш натижалари

"BALANS-INFORM-AUDIT" МЧЖ бўйича;

Ёқлаганлар – йўқ, қаршилар - 38 280 128 дона акциялар (100%), бетарафлар - йўқ.

Овоз бериш натижалари

"FINANCE AUDIT" МЧЖ бўйича;

Ёқлаганлар – йўқ, қаршилар - 38 280 128 дона акциялар (100%), бетарафлар - йўқ.

Овоз бериш натижалари

"EXPERT-AUDIT" МЧЖ бўйича;

Ёқлаганлар – йўқ, қаршилар - 38 280 128 дона акциялар (100%), бетарафлар - йўқ.

Овоз бериш натижалари

"PERFECT AUDIT" МЧЖ бўйича;

Ёқлаганлар – йўқ, қаршилар - 38 280 128 дона акциялар (100%), бетарафлар - йўқ.

16. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

17. "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг "Ҳомийлик (ҳайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш Тартиби"ни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

18. "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг "Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби"ни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

19. "O'zagrolizing" акциядорлик жамиятининг "Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом"ни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 38 280 128 дона акциялар (100%), қаршилар - йўқ, бетарафлар - йўқ.

Санок комиссияси раиси эълон қилган маълумот Умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Санок комиссиясининг баённомалари иловада берилмокда).

“Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Саноқ комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Эшонкулов Талъат Норқулович, Узаков Хасан Тиркашович ва Қурбонбоев Дилшод Мақсудбековичдан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

Кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 5 дақиқа;

Умумий йигилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

3.1. Жамият ижро органига жамиятнинг молиявий ҳолатини инобатга олиб, дебиторлик қарздорликни ундуриш ва муддати ўтган қарздорликларни юзага келтирмаслик бўйича аниқ чора-тадбир ишлаб чиқиш, шунингдек, жамиятнинг ижроия органининг тегишли бўлинмалари ва ҳудудий филиалларига дебиторлик қарздорликни ундириш бўйича масъулиятни ошириш вазифаси топширилсин.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулоса тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2020 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олинган 15 291 245 000,0 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

1. Захира фондига – 764 562 250,0 сўм;

2. Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 11 460 978 200,0 сўм;

3. Имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм;

4. Ўз вазифасини бажарган давр учун Тафтиш комиссияси аъзоларига бир маротабалик ҳақ тўлашга – 10 796 400,0 сўм;

5. Активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира шакллантиришга – 3 042 233 150,0 сўм.

8.1. Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш ва накд пул билан тўлаш йўли билан амалга оширилсин.

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича (ҳар бир донаси учун 275,05 сўмдан, номинал қийматнинг 10,85%).

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича (ҳар бир донаси учун 633,75 сўмдан, номинал қийматнинг 25 %) дивиденд тўлови амалга оширилсин.

Дивидендларни тўлаш пайтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўловлар амалга оширилсин.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилсин.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2021 йилнинг 12 июлдан ва тугаш санаси 2021 йилнинг 10 август қилиб белгилансин.

9. Жамият акциядорлари томонидан 2017 йил якунлари бўйича эгаси ёки эгасининг қонуний вориси ёхуд меросхўри томонидан 3 (уч) йил ичида талаб қилиб олинмаган 317 та акциядорнинг 41 362 732 сўм 84 тийин дивидендлар жамият ихтиёрида қолдирилсин.

2017 йил якунлари бўйича 322 та акциядорнинг 41 362 732 сўм 84 тийин миқдоридаги дивидендлар талаб қилиб олинмагани маълумот учун қабул қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 76-моддасига мувофиқ, жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан бир йил муддатга сайланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги "Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 356-сонли қарори талабларига мувофиқ, хўжалик жамиятлари кузатув кенгашлари аъзолигига давлат улуши бўйича устав капитали (фонди)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари бўйича - Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари ва маслаҳатчилари билан келишган ҳолда номзодлар кўрсатиши лозимлигини бироқ, давлат активларини бошқариш агентлигининг маълум қилишича номзодлар бугунги кунга қадар Вазирлар Маҳкамаси билан келишилмаганлигини инобатга олиб кун тартибидаги масала акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига қолдирилсин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги тафтиш комиссиясига номзодлар тақдим этмаганлиги, бу эса лозим даражадаги номзодлар сони етарли бўлмаганлиги муносабати билан кун тартибидаги масала акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига қолдирилсин.

12. Жамиятда "INVESTMENT MANAGEMENT GROUP" МЧЖ томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тасдиқлансин.

13. Жамият ижроия аппарати тузилмасини ўзгартиришлар киритган ҳолда янгидан тасдиқлансин.

14. Жамиятнинг "2021-2025 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегияси" тасдиқлансин.

15. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолиятининг якунларини текшириш учун ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда 51,0 млн сўм таклиф этган "BALANS-INFORM-AUDIT" МЧЖ Миллий аудит стандартига мувофиқ аудит ўтказмаслиги, "EXPERT-AUDIT" МЧЖ 2020 йилда ташкил топганлиги сабабли кун тартибидаги масала акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун қолдирилсин.

16. Жамиятнинг 2021 йил учун тасдиқланган "Бизнес режаси" параметрларини ҳамда Ҳукумат томонидан берилган топшириқлар ижросини тезкор равишда таъминлаш ва лизинг лойиҳаларини ўз муддатида молиялаштириш орқали техникаларни лизинг олувчиларга ўз вақтида етказиб берилишини ташкил этиш мақсадида, жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилланган шахслари билан ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимлар тасдиқлансин.

16.1. Жалб этилаётган кредитга таъминот сифатида "Ўзмашлизинг" МЧЖ (ёки бошқа аффилланган шахслар) билан кафиллик шартномаларини имзоланишига рухсат берилсин.

16.2. Республикамиздаги маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан лизингга етказиб бериладиган техникалар сотиб олиниши бўйича умумий қиймати жамият соф активлари қийматининг 15 фоизидан юқори бўлган бир ёки бир-бирига боғланган бир нечта битимни имзоланишига рухсат берилсин.

17. “O’zagrolizing” акциядорлик жамиятининг “Ҳомийлик (ҳайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш Тартиби”ни тасдиқлансин.

18. “O’zagrolizing” акциядорлик жамиятининг “Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш Тартиби”ни тасдиқлансин.

19. “O’zagrolizing” акциядорлик жамиятининг “Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом”ни тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш Раиси **Ж.Шахобиддинов**

Ҳар бир варақ имзоланди

Котиб **Б.Валиев**

17.06.2021 й